



“КЕЛИШИЛДИ”
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Раиси


М.Б. Нурмуратов

“___” март 2021 йил

02.03.2021
20.02.2021

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Бош вазир ўринбосари,
Молиявий хизматлар
оммабоплигини ошириш
миллий стратегиясини ишлаб
чиқиш ва келгусида амалга
ошириш бўйича
мувофиқлаштирувчи
кенгаш раиси


Ж.А. Кўчқоров

“___” март 2021 йил

2021–2023 йилларга мўлжалланган Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш миллий СТРАТЕГИЯСИ

2021–2023 йилларга мўлжалланган Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш миллий стратегияси (кейинги ўринларда – Миллий стратегия) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4400-сон “Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ, шунингдек Жаҳон банкининг мамлакатда молиявий оммабопликнинг жорий ҳолатини ўрганиш натижалари бўйича асосий хулосалари ва тавсияларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Миллий стратегиянинг **бош мақсади** аҳолининг барча қатламлари ва кичик бизнес субъектлари учун арзон ва юқори сифатли молиявий маҳсулотлар ва хизматлардан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлган динамик, инновацион ва инклюзив молия тизимини яратишдан иборат.

Стратегияда комплекс чора-тадбирларни **(1-илова)** амалга ошириш орқали ҳозирга қадар етарли даражада молиявий хизматлар билан қамраб олинмаган аҳоли қатламини (кам даромадга эга аҳоли қатлами ва қишлоқ аҳолисини) молиявий хизматлар билан қамраб олишга, кичик бизнес субъектларини молиялаштириш имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Миллий стратегия 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси билан ҳамоҳанг бўлиб, 2020-2025 йилларга мўлжалланган

Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясининг мантиқий давоми ҳисобланади.

I. Молиявий оммабопликнинг жорий ҳолати ва мавжуд муаммолар

Молиявий хизматлар оммабоплиги аҳоли ва кичик бизнес субъектлари учун депозит, кредит ва тўловлардан иборат банкнинг базавий хизматлари тўпламидан фойдаланиш имкониятининг мавжудлигини ифода этиб, бундай хизматларнинг узоқ муддат давомида барқарор тарзда молиявий хизматларни кўрсатувчилар учун даромадли, истеъмолчилар учун ҳамёнбоп бўлган шартларда етказиб берилишини назарда тутди.

Молиявий хизматлар оммабоплиги сўнгги йилларда иқтисодий ривожланиш, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишнинг асосий омилларида бири сифатида молиявий ислохотларнинг муҳим йўналишига айланди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сон “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4400-сон “Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари билан банк хизматларидан фойдаланишда мавжуд чекловларни олиб ташлаш, молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқлари ҳимоясини мустаҳкамлаш, банк ва тўлов инфратузилмаларини ривожлантириш, банкларнинг кредит, омонат ва касса операцияларини соддалаштириш, шунингдек банк хизматларининг янги турларини яратишга қаратилган бир қатор сифат ўзгаришлари амалга оширилди.

Шунга қарамай, мамлакат банк-молия секторининг айрим жиҳатлари молиявий хизматлар оммабоплиги даражасининг жадал суръатларда ошишига тўсқинлик қилмоқда. Хусусан:

давлатнинг иқтисодиётга аралашуви юқори даражада эканлиги, банк секторининг устун мавқеи ва норматив-ҳуқуқий базадаги камчиликлар соҳада рақобат ва инновацияларни чекламоқда;

молиявий технологик (финтех) компаниялар, нобанк кредит ташкилотлари, шу жумладан микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва лизинг компаниялари етарли даражада ривожланмаганлиги сабабли улар банкларга рақобатчи бўла олмаяпти;

харажатларни оптималлаштириш, молиявий маҳсулот ва хизматлар сифатини яхшилаш ҳамда уларнинг қамровини оширишда замонавий технология ютуқларидан етарли даражада фойдаланилмаяпти;

молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш бўйича кўрилган чораларда асосан истеъмолчилар манфаатлари кўзланиб, хизмат кўрсатувчиларнинг иқтисодий манфаатдорлигига етарлича эътибор қаратилмаган.

Бундан ташқари, молиявий хизматлар истеъмолчилари нуқтаи назаридан, қуйидагилар:

банк хизматларини кўрсатиш нуқталари – банк филиаллари, мини-банклар, банк хизматлари марказлари, банк кассалари ва туну-кун режимда (24/7) ўзига ўзи хизмат кўрсатиш марказлари асосан шаҳар ва туманлар марказларида жойлашганлиги сабабли қишлоқ ва олис ҳудудлар аҳолиси учун банк хизматлари ва маҳсулотларидан фойдаланиш имкониятининг пастлиги;

молиявий хизматлар бозорининг бошқа иштирокчилари фаолияти ривожланмаганлиги ва молиялаштиришнинг муқобил манбаларининг тараққий этмаганлиги натижасида аксарият истеъмолчилар учун банклар молиявий хизматларни кўрсатувчи ягона институт бўлиб қолаётганлиги;

кредит маҳсулотларидан фойдаланиш одатда қиммат ва мураккаб эканлиги, шунингдек молиявий хизматлар истеъмолчиларидан кўп ҳужжат ва вақт талаб этиши;

мобил телефонлар ва интернетга уланиш имконияти мавжуд бошқа қурилмаларнинг кенг тарқалганлигига қарамай молиявий институтлар томонидан хизмат кўрсатишда рақамли каналлардан самарали фойдаланилмаётганлиги;

ўтган йилларда кузатилган нақд пул тақчиллиги, валюта конвертациясидаги чекловлар, шунингдек тўлов тизимларида рўй берган узилишлар натижасида тарихан банк тизимига бўлган ишончнинг пастлиги;

молиявий хизматлар истеъмолчиларининг молиявий саводхонлик даражасининг пастлиги натижасида ўз эҳтиёжларига мос молиявий маҳсулот ва хизматларни тўғри танлай олмаслиги молиявий хизматлардан **фаол тарзда** фойдаланишга тўсқинлик қилаётган омиллар бўлиб қолмоқда.

Ушбу муаммолар молиявий хизматлар оммабоплиги даражасини янада ошириш учун комплекс ва стратегик ёндашув зарурлигини кўрсатиб, бундай ёндашув молиявий хизматлар оммабоплигига тўсқинлик қилувчи омилларни чуқур таҳлил қилиш, шунингдек потенциал имкониятларни ҳаққоний баҳолашга асосланиши лозим.

Бундан ташқари, молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш бўйича саъй-ҳаракатлар:

молиявий хизматлар бўйича талаб ва таклиф томонидан мавжуд муаммоларни бартараф этиш билан бир қаторда молиявий хизматлар бозоридаги рақобат ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек молиявий хизмат кўрсатиш нуқталарининг етарлилиги, молиявий маҳсулот ва хизматлар сифати, молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқий ҳимояси ва молиявий саводхонлиги билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишга қаратилиши;

молиявий сектор (кредит ташкилотлари, тўлов ташкилотлари ва молиявий хизматларни кўрсатувчи бошқа ташкилотлар)дан ташқари

ахборот технологиялари, таълим ва бошқа ижтимоий соҳаларни ҳам қамраб олиши;

молиявий сектор барқарорлиги ва яхлитлигини таъминлаш, шунингдек миллий тараққиётнинг камбағалликни қисқартириш ва иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган вазифаларга қўшимча тарзда амалга оширилиши зарур.

Шунга кўра, мазкур стратегия манфаатдор вазирлик ва идоралар, хусусий сектор вакиллари, халқаро ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамиятининг ихтиёрий, мувофиқлашган ва тизимли ҳамкорлигида амалга оширилади.

II. Миллий стратегиянинг асосий йўналишлари

Молиявий хизматлар оммабоплигини оширишнинг устувор йўналишлари бўлиб:

камхарж молиявий хизмат кўрсатиш нуқталари тармоғини кенгайтириш, банк маҳсулотлари ва хизматлари сифатини ошириш, тезкорлиги ва қулайлигини таъминлаш, уларнинг янги турларини яратиш, молиявий хизмат кўрсатувчиларнинг мижозбай ишлаш маданиятини ривожлантириш ва банк агентлари тармоғи орқали молиявий хизматлар кўрсатиш тизимини жорий этиш орқали **базавий молиявий хизматлар қамровини ошириш;**

молиявий технология ечимларидан фойдаланган ҳолда молиявий хизмат кўрсатувчиларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, бозорга янги “финтех” компанияларнинг кириб келишига қулай шарт-шароитлар яратиш, масофадан идентификация қилиш тизимини йўлга қўйиш, миллий тўлов тизимини модернизация қилиш орқали **рақамли молиявий хизматларни ривожлантириш;**

кичик бизнес субъектларини бозор тамойиллари асосида молиялаштиришга ихтисослашган турли молиявий воситаларни ривожлантириш, кредит ахборотининг алмашинуви тизимини такомиллаштириш, шунингдек нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш орқали **кичик тадбиркорлик субъектларини молиялаштиришни такомиллаштириш;**

истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, молиявий маҳсулот ва хизматлар тўғрисидаги маълумотларнинг очиклиги ва шаффофлиги бўйича талабларни кучайтириш, шикоятлар ва низоларни ҳал қилишнинг самарали механизмларини жорий қилиш, мижозлар тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш тизимини мустаҳкамлаш орқали **молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш;**

таълим муассасаларида молиявий таълим дастурларини жорий этиш, “edutainment” (қизиқарли тарзда ўқитиш) технологияси асосида молиявий таълим беришни кенг йўлга қўйиш, оммавий ахборот воситалари ва электрон платформалардан фойдаланган ҳолда аҳолининг молиявий

хизматлардан хабардорлигини ошириш, республиканинг барча ҳудудларида аҳолининг алоҳида қатламлари учун молиявий маҳсулот ва хизматлар тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш ва шу асосда оқилона молиявий қарорлар қабул қилиш маданиятини шакллантиришга қаратилган махсус ўқув дастурлари ва тадбирларини ташкил этиш орқали **аҳоли ва тадбиркорларнинг молиявий саводхонлигини ошириш ҳисобланади.**

1. Базавий молиявий хизматлар қамровини ошириш

Депозит, кредит ва тўловлардан иборат базавий молиявий хизматлар тўпламидан фойдаланиш аҳоли фаровонлигини ошириш ва кичик тадбиркорликни ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири бўлиб, аҳолига кунлик харажатларини бошқариш, кутилмаган молиявий қийинчиликларни енгиб ўтиш, таълим ва тадбиркорлик фаолиятига сармоя киритишга ҳамда кичик тадбиркорлик субъектларига инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва айланма маблағларни тўлдириш имконини яратади.

Базавий молиявий хизматлар қамровини ошириш банк, нобанк ва тўлов инфратузилмаларини ривожлантиришни талаб этиб, сўнгги йилларда ушбу мақсадларда бир қатор ишлар амалга оширилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида 2018-2020 йиллар давомида **4 та банк, 866 та ихчам банк хизматлари офиси, 1 452 та туну кун (24/7) режимда ишловчи ўзига ўзи банк хизматларини кўрсатиш маркази, 34 та микрокредит ташкилоти ва 18 та ломбард ташкил этилди, шунингдек POS-терминаллар сони 1,9 мартага, банкоматлар сони эса 14,7 мартага ошди.**

Бироқ, ушбу молиявий хизматлар кўрсатиш нуқталари номутаносиб тарзда жойлашган бўлиб, улар асосан шаҳар ва туман марказларида ташкил этилган. Хусусан, жами катта ёшли (18 ёш ва ундан катта) аҳолининг 8 фоизи Тошкент шаҳрида истиқомат қилсада, банк филиаллари, банк хизматлари офислари ва мини-банкларнинг 17 фоизи шу ҳудудда жойлашган.

Бундан ташқари, Жаҳон банки методологиясига асосан мамлакатдаги молиявий оммабоплик даражасини белгиловчи асосий кўрсаткич – банк ҳисобварағига эга бўлган катта ёшли аҳоли улушининг юқори даражада эмаслиги (*Findex-2017 – 37%*) халқаро молия институтлари ҳисоботларида Ўзбекистонни молиявий оммабоплик даражаси паст бўлган мамлакатлар қаторида қолдирмоқда.

Жорий йилда Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликда мамлакатдаги аҳолининг молиявий саводхонлиги ва молиявий оммабоплик даражасини ўрганиш бўйича сўровнома ўтказилиб, унинг натижалари катта ёшли аҳолининг **36 фоизи** банк ҳисобварағига эга эканлигини кўрсатди. Мазкур кўрсаткич ўрта даромадга эга давлатлар ўртача кўрсаткичидан 8 фоиз бандга, Европа ва Марказий Осиё ҳудуди ўртача кўрсаткичидан эса 22 фоиз бандга пастдир.

Сўров натижаларига кўра, аёллар ва эркеклар ўртасида банк ҳисобварағига эгалик қилишда фарқ жуда кам (3 фоиз банд), лекин республика бўйлаб шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси ўртасида банк ҳисобварағига эгалик қилишда катта фарқ мавжуд бўлиб, мос равишда 43 ва 27 фоизни ташкил этмоқда.

Шу билан бирга, тадқиқот давомида банк ҳисобварағига эга бўлмаган катта ёшли аҳолининг 34 фоизи етарли маблағга эга эмаслиги, 26 фоизи банк ҳисобварағига эҳтиёжнинг йўқлиги сабабли ва 21 фоизи ҳеч қандай жиддий сабабларсиз банк ҳисобварағидан фойдаланмаслиги, шунингдек катта ёшли аҳолининг 78 фоизи пулини уйда нақд кўринишда сақлашни афзал кўриши аниқланди.

Бу ўз навбатида, базавий молиявий хизматлар қамрови ва банк ҳисобварағидан фойдаланувчи катта ёшли аҳоли сонини кўпайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади.

Шу муносабат билан, ушбу йўналишда **қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган:**

чекка ва олис ҳудудлардаги аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини банк хизматлари билан қамраб олиш мақсадида банкнинг барча базавий хизматлари тўпламини кўрсатувчи ва кўп сонли бошқарув ходимларини талаб қилмайдиган ихчам банк хизматлари офислари тармоғини кенгайтириш;

мавжуд талаб ва ўзини (харажатларни) қоплашини ҳисобга олган ҳолда ҳудудлардаги ўзига ўзи хизмат кўрсатиш марказлари (24/7) тармоғини кенгайтириш;

банк фаолиятини амалга ошириш учун тенг шароитлар яратиш, шунингдек банк секторида рақобат муҳитини кучайтиришга қаратилган ислохотларни давом эттириш орқали ҳамёнбоп ва сифатли банк хизматлари кўрсатилишини таъминлаш;

банкларда мижозларга йўналтирилган ишлаш тизимини кучайтириш орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг кенг қатламларига мўлжалланган банк маҳсулот ва хизматлари турларини кўпайтириш;

банклар томонидан ўз маҳсулот ва хизматларини сотишнинг амалдаги каналларини кенгайтириш;

тижорат банклари томонидан айрим турдаги банк хизматлари ва операцияларини аутсорсингга топширишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш;

аҳолининг кредит олиш имкониятларини ошириш мақсадида хориж тажрибаси асосида жисмоний шахсларнинг даромадларини ҳисобга олиш, “оилавий бюджет”ни юритиш механизмларини такомиллаштириб бориш;

аҳолининг истеъмол кредитидан кенг фойдаланишини рағбатлантириш мақсадида қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш;

ипотека кредитлари бозорини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни янада кенгайтириш;

халқаро пул ўтказмаларини банкка бормасдан масофадан амалга

ошириш имкониятларини кенгайтириш;

“регулятив кумдон” махсус ҳуқуқий режим тамойилларидан фойдаланган ҳолда молиявий хизматларнинг янги турлари яратилишини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш тизимини жорий қилиш;

аҳолини банк ҳисобварағидан фойдаланишнинг афзалликлари тўғрисида хабардор қилишга қаратилган тадбирларни кенгайтириш;

аҳолига иш ҳақи, нафақа, стипендия ва уларга тенглаштирилган бошқа тўловларни (G2P) тўлиқ нақд пулсиз ҳисоб-китоблар орқали амалга оширилишига шароит яратиш.

2. Рақамли молиявий хизматларни ривожлантириш

Молиявий хизматлар истеъмолчиларига қулай, сифатли ва тезкор хизмат кўрсатишда ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг энг сўнгги ютуқларини амалиётга татбиқ этиш ва рақамли молиявий хизматлар кўламини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Рақамли молиявий хизматлар рақамли каналлар (интернет ва бошқа алоқа воситалари) орқали кўрсатиладиган молиявий хизматлар бўлиб, улар молиявий маҳсулот ва хизматларни қулайлиги ва тезкорлигини ошириш билан бир қаторда улар билан боғлиқ операцион харажатларни камайтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, рақамли молиявий хизматлар банк филиалларини очиш норентабел бўлган олис ва аҳоли сийрак жойлашган ҳудудлардаги аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари орқали молиявий хизматлар билан самарали қамраб олиш имконини беради.

Сўнгги йилларда рақамли молиявий хизматларни ривожлантириш мамлакат банк-молия тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланиб, соҳага оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, тўлов инфратузилмасини ривожлантириш, бозорга масофавий банк хизматлари кўрсатишга ихтисослашган тўлов ташкилотларининг (“финтех” компанияларининг) кириб келишини рағбатлантиришга қаратилган сиёсат олиб борилмоқда.

Натижада, 2018-2020 йиллар давомида 2 та рақамли банк, 20 та тўлов ташкилоти (“финтех” компания) ва “Нумо” тўлов тизими ташкил этилди, Тезкор тўлов тизими ишга туширилди, тўловларни контактсиз амалга ошириш имконияти яратилди (tap2phone, NFC, QR-код), шунингдек банкоматлар ва инфокиосклар сони 11,8 мингтага, тўлов терминаллари сони 438,4 мингтага, муомаладаги банк карталари сони эса 25,7 млн. тага етди.

Бу эса республикада банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар сони 6 баробардан кўпроққа ошиб, уларнинг сони 14,6 млн.га (шундан 822 мингтаси юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар, 13,7 млн.таси жисмоний шахс) етишига олиб келди.

Шу билан бир қаторда, тижорат банкларида ахборот-коммуникация технологияларининг эскирганлиги, мижозларни масофадан идентификация қилиш тизимининг жорий қилинмаганлиги, тўлов тизимлари субъектларининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича қонуности норматив-ҳуқуқий базанинг етарли эмаслиги, ахборот хавфсизлиги соҳасида малакали кадрлар танқислиги, шунингдек жойларда, айниқса қишлоқ аҳолисида тўлов инфратузилмасидан фойдаланиш бўйича кўникма ва қобилиятнинг етарли даражада эмаслиги мамлакатда рақамли молиявий хизматларни янада ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Бундан ташқари, халқаро тажрибага асосан рақамли молиявий хизматларни ривожлантиришда банк инфратузилмасини кенгайтириш билан бир қаторда, мижозларни идентификация қилиш тизимини такомиллаштириш, электр таъминоти узлуксизлигини таъминлаш, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, шунингдек арзон ва сифатли интернет қамровини ошириш лозим.

Шу муносабат билан, ушбу йўналишда **қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган:**

рақамли ва инновацион молиявий хизматлар кўрсатувчи ҳамда молиявий технологияларни (финтех) яратувчи хорижий ташкилотларнинг мамлакат молия бозорига кириб келиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

молиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг операцион харажатларини қисқартириш орқали уларнинг иш самарадорлигини оширишда молиявий технологиялар (финтех) ечимларидан кенг фойдаланиш;

тўловларни тезкор равишда, муқобил усуллардан фойдаланган ҳолда амалга оширишни кенг татбиқ қилиш мақсадида миллий тўлов инфратузилмасида NFC технологияси билан таъминланган воситалар орқали контактсиз тўловлар механизмининг такомиллаштириш, шунингдек, халқаро EMV стандартларига мувофиқ QR-код асосида тўловлар қабул қилиш тизимини ривожлантириш ва уларни амалиётда кенг қўллаш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг банклараро тўловларини 24/7 режимида амалга ошириш учун уларнинг Тезкор тўловлар тизими билан қамраб олинганлик даражасини янада ошириш;

масофавий банк хизматлари, хусусан мобил иловаларнинг функционал имкониятларини кенгайтириш;

зарур норматив-ҳуқуқий базани яратган ҳолда масофадан идентификация қилиши (e-ID ва e-KYC) тизимини йўлга қўйиш;

миллий тўлов тизимларининг барқарор ва самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида уларни модернизация қилиш;

ишончли маълумотларга эга бўлиш, маълумотларни тўплаш жараёнида инсон омилини камайтириш, банк тизимида ахборотни жамлаш,

қайта ишлаш ва таҳлил қилишнинг автоматлаштирилган замонавий тизимини жорий қилиш;

тўлов тизимларининг фаолият юритишини назорат қилиш механизминини такомиллаштириш;

республиканинг барча ҳудудларини сифатли ва ҳамёнбоп интернет тармоғи билан тўлиқ қамраб олиш;

тўлов ташкилотларининг ахборот тизимларини Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизимига улаш;

Марказий банк ва тижорат банкларида ахборот технологияларини ривожлантиришга масъул бўлган таркибий бўлинмалар ходимларининг малакасини мунтазам ошириб бориш бўйича ишларни йўлга қўйиш;

Марказий банк таркибида банк ва молия-кредит соҳасидаги ахборот муҳофазасини таъминлаш, киберхужумларни олдини олиш ва уларга қарши таъсир чораларини кўриш ҳамда молиявий фирибгарликларга қарши жавоб қайтариш бўйича FinCERT марказини ташкил этиш;

Марказий банкнинг ягона маълумотлар омборини (Data Warehouse) яратиш ва бизнес-таҳлил тизимини жорий қилиш;

банкларда тўлақонли ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик тизимини жорий этиш;

банкоматлар ва инфокиосклар орқали амалга ошириладиган молиявий операциялар турларини кенгайтириш.

3. Кичик тадбиркорлик субъектларини молиялаштиришни такомиллаштириш

Микро, кичик ва ўрта корхоналар иқтисодий ўсиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва инновацияларнинг асосий манбаи бўлиб, уларнинг ўз фаолиятини йўлга қўйиши ва муваффақиятли давом эттиришида молиявий хизматлар ва молиялаштиришнинг муқобил манбаларидан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро тажрибага кўра кредиторлар ва қарздорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминловчи норматив-ҳуқуқий база ва кредитларни кафолатлаш механизминини яратиш, шунингдек кредит ахбороти алмашинуви ва кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини рўйхатга олишга қаратилган инфратузилмани ташкил этиш микро, кичик ва ўрта корхоналарнинг кредитлардан фойдаланиш имкониятини оширади.

Шунга кўра, республикада кичик бизнес субъектлари фаолияти ва аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини кредитлашни енгиллаштириш мақсадида бир қатор институтлар ташкил этилган. Хусусан:

кредит бюро фаолияти йўлга қўйилиб, Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” ҳисоботи талабларидан келиб чиқиб, қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини скоринг модели ёрдамида баҳолашда фойдаланиладиган маълумотлар турлари кенгайтириб борилмоқда;

гаров реестри ташкил этилиб, гаров билан таъминланган кредиторлар талабларини гаровдаги мол-мулк қийматидан қондириш тизими такомиллаштириб борилмоқда;

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси таъсис этилиб, мазкур жамғарма томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш учун тижорат банклари ажратадиган кредитлар бўйича кафиллик ва фоизли харажатларни қоплаш учун компенсация бериш механизми жорий қилинди.

Бундан ташқари, 2017-2020 йиллар давомида халқаро кредит линияларини фаол жалб этиш, халқаро фонд бозорларида еврооблигацияларни сотиш, шунингдек Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига банкларнинг кредитлаш имкониятлари ошди.

Шу билан бирга, мамлакатда кичик бизнес субъектларини молиялаштиришнинг амалдаги тизими таҳлили соҳада ечимини кутаётган айрим муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Хусусан:

тижорат банкларининг, айниқса давлат улушига эга банкларнинг бизнес-моделлари асосан йирик давлат корхоналарини кредитлашга йўналтирилган бўлиб, кичик бизнес субъектлари учун мўлжалланган маҳсулот ва хизматларнинг янги турларини яратишга етарли эътибор қаратилмаган;

банклар томонидан кредит ажратиш тўғрисида қарор қабул қилишда гаров таъминотининг мавжудлиги асосий мезонга айланиб қолган, пул оқимлари таҳлили асосида кредитлаш ва потенциал қарздорни яхлит таҳлил қилиш амалиёти йўлга қўйилмаган;

банкларнинг имтиёзли кредитларни ажратиш бўйича режалари ва бундай режалар бажарилишининг назорат қилиниши банкларнинг кредит таҳлилини сифатли амалга ошириш салоҳиятини чекламоқда;

нобанк кредит ташкилотларининг кредит бозоридаги иштироки минимал даражада бўлиб, уларнинг кредит портфели кредит ташкилотлари томонидан ажратилган жами кредитлар қолдиғининг бор йўғи 0,3 фоизини ташкил этади. Нобанк кредит ташкилотлари кредит портфелининг атиги 1,3 фоизи кичик бизнес субъектларига тўғри келиши уларнинг кичик бизнесни кредитлашдаги иштироки деярли йўқлигини англатади;

кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштириш асосан кредитлар ҳисобидан амалга оширилиб, уларни бошқа молиявий хизматлар, шу жумладан факторинг ва лизинг хизматлари орқали молиявий қўллаб-қувватлаш ишлари етарлича йўлга қўйилмаган;

мамлакатда фонд бозори ривожланмаганлиги сабабли кичик бизнес субъектларининг қимматли қоғозлар чиқариш орқали ўз фаолиятини молиялаштириш имконияти чекланган;

юқори таваккалчиликка асосланган тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштиришнинг замонавий механизмлари, шу жумладан краудфандинг учун ҳуқуқий асос яратилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шунингдек 2021 йилдан кредитларни имтиёзли фойза ставкаларида ажратиш амалиёти бекор қилинганлиги муносабати билан мамлакатда кичик бизнес субъектларини молиялаштиришнинг амалдаги тизимини такомиллаштириш ва молиялашнинг янги манбаларини яратишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирларни амалга ошириш давр талаби ҳисобланади.

Шу муносабат билан, ушбу йўналишда **қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган:**

тадбиркорлик соҳасидаги хорижий мамлакатлар тажрибаларини таҳлил қилган ҳолда қонунчиликка ўрта корхона тушунчасини киритиш;

тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашда инновацион фаолият билан шуғулланувчи кичик бизнес субъектларига алоҳида эътибор қаратиш;

нобанк кредит ташкилотлари фаолиятига доир норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, шу жумладан пруденциал талабларни қайта кўриб чиқиш орқали уларнинг фаолиятини ривожланишига, шунингдек факторинг ва микромолиялаш ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйилишига ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиш;

хорижий мамлакатларнинг илғор амалиётларини ўрганган ҳолда факторинг бозорини ривожлантиришга қаратилган электрон факторинг платформасини яратиш;

кичик бизнес субъектларига мўлжалланган замонавий кредит маҳсулотларини яратиш ҳамда кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш;

тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун ҳудудлардаги мавжуд бизнес муҳит, кўрсатилаётган банк хизматлари, тавсиялар, янгиликлар ва бошқа фойдали маълумотларни бериб борувчи электрон “Бизнес-навигатор” ахборот-ресурс тизимини яратиш;

лойиҳалар краудфандинги механизми орқали чакана асосда молиялаштириш билан шуғулланувчи талабгорлар ўзининг очиқ электрон платформасини Марказий банкнинг “тартибга солиш қумдони” режими доирасида (синов тарзида) ташкил этиб, фаолият юритиш учун ҳуқуқий асос яратиш;

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан кичик бизнес субъектларига кўрсатилаётган молиявий ёрдамни кенгайтириш ҳамда жамғарма фаолиятини рақамлаштириш орқали кичик бизнес субъектларига кўрсатилаётган хизматлар тезкорлигини ошириш;

қиймат занжирини молиялаш, шартномани молиялаш (кунлик етказиб бериш, келгусида даврий етказиб бериш шартлари асосида тузилган шартномаларга), пул оқимлари асосида кредитлаш ва муқобил молиялашнинг бошқа моделларидан фойдаланиш бўйича банклар ходимларининг билим ва кўникмаларини ошириш;

факторинг ва лизинг хизматларининг фойдали молиявий воситалар сифатида кичик бизнес субъектлари ҳамда молиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида кенг тарғибот этиш;

микромолиявий хизматлар бўйича гаровни рўйхатдан ўтказиш жараёнини масофавий расмийлаштиришни амалиётга татбиқ этиш ишларини яқунлаш;

банкларнинг скоринг моделларини такомиллаштириш мақсадида кредит ахбороти базасини янада кенгайтириш, кредит ахбороти субъектларининг кредит тарихи шаклланишини таъминлаш, шу жумладан лизинг компаниялари ва ритейлер томонидан кредит бюроларига кредит ахбороти тақдим этиш мажбурийлиги тартибини белгилаш.

4. Молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш

Молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини мавжудлиги аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг банк-молия секторига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, мамлакатда молиявий хизматлар оммабоплиги даражасини ошириш, шунингдек банк-молия секторида рақобат муҳитини кучайтиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Молиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар ва уларнинг истеъмолчилари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш орқали молиявий хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланиши учун кенг шарт-шароитлар яратиш асосий мақсад этиб белгиланади.

Мамлакатда молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг замонавий тизимини йўлга қўйиш банк-молия тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, ушбу мақсадда бир қатор ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Хусусан:

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунида кредит ташкилотлари хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш Марказий банкнинг вазибаларидан бири этиб белгиланди;

Марказий банк тузилмасида “Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хизмати”ни ташкил қилиш орқали банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, банк хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқларининг бузилишига йўл қўйган кредит ташкилотларига нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш, шунингдек банк хизматлари истеъмолчиларининг бузилган ҳуқуқларини тиклашда маслаҳат бериш ва кўмаклашиш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш йўлга қўйилди;

молиявий хизматлар истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда адолатсиз амалиётларнинг олдини олиш, шунингдек истеъмолчиларнинг кўрсатилаётган молиявий хизматлар бўйича хабардорлигини ошириш ва маълумотлар шаффофлигини таъминлаш мақсадида кредит ташкилотлари фаолиятига минимал талаблар белгиланди.

Шу билан бирга, молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг амалдаги тизими Жаҳон банкининг “Молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича энг яхши амалиётлар” талаблари доирасида таҳлил қилинганда, ечилмаган бир қатор муаммолар ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Хусусан:

Марказий банк томонидан молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини назорат қилишда назорат инструментларининг чекланганлиги;

шикоятларни жойига чиққан ҳолда ўрганиш фақат банкларга нисбатан йўлга қўйилган бўлиб, бундай жараён нобанк кредит ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмаганлиги;

Марказий банкка келиб тушадиган шикоят ва аризаларни доимий таҳлил қилиш ва молиявий хизматлар бозорини мониторинг қилиш орқали рискка асосланган назорат қилиш тизими йўлга қўйилмаганлиги;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қарздорликни ундиришнинг таққирловчи амалиётларини тақиқлаш бўйича аниқ нормалар белгиланмаганлиги;

молиявий хизматлар кўрсатувчилар ўз хизматларини таклиф этишдан олдин бундай хизматларнинг истеъмолчилар эҳтиёжлари ва молиявий салоҳиятига мос келишига ишонч ҳосил этиши зарурлиги бўйича талаблар белгиланмаганлиги намоён бўлди.

Молиявий хизматлар кўрсатиш соҳасида шикоят ва низоларни ички ва ташқи ҳал қилишнинг самарали тизимлари йўлга қўйилмаган бўлиб, жисмоний ва юридик шахслар ўз ариза ва шикоятларини тўғридан-тўғри молиявий хизматларни кўрсатувчиларга юбориш билан бир қаторда Марказий банк, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги, Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал ва Халқ қабулхонаси, Бош вазир қабулхонаси, Бош прокуратура, оммавий ахборот воситалари каби бир қатор институтларга юбормоқда.

Шикоят ва низоларни ҳал қилиш учун бундай кенг каналлардан фойдаланиш ва айрим институтларда такрорланувчи функцияларнинг мавжудлиги шикоят ва келишмовчиликларни тезкорлик билан самарали ҳал қилиш имкониятини чекламоқда.

Бундан ташқари, рақамли ва масофавий молиявий хизматлар, шу жумладан банк агентлари орқали молиявий хизматлар кўрсатишнинг ривожланиши республиканинг чекка ва олис ҳудудларидаги аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий хизматлар билан қамраб олиш билан бир қаторда молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқларининг бузилишига доир потенциал рискларни ҳам келтириб чиқаради.

Бу эса шикоятларни ички ва ташқи ҳал қилиш тизимини такомиллаштириш, маълумотларни очиқлаш ва шаффофликни таъминлаш бўйича таълабларни кучайтириш, истеъмолчи ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши устидан назорат қилиш ва ижрони амалга ошириш салоҳиятини

кучайтиришга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади.

Мазкур чора-тадбирлар барча кредит ва тўлов ташкилотларини қамраб олиши, шунингдек мутаносиб ва рискка йўналтирилган бўлиши ҳамда соҳада истиқболда рўй берадиган асосий ўзгаришларни инобатга олишини тақозо этади.

Шу муносабат билан, ушбу йўналишда **қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган:**

Марказий банк ҳамда Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ўртасидаги молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасидаги такрорланувчи функцияларни олдини олиш бўйича консултацион муҳокамаларни яқунлаш;

Марказий банк ҳамда молиявий секторнинг бошқа регуляторлари ва бизнес омбудсман билан молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳаракатларни ўзаро мувофиқлаштириш бўйича ҳамкорлик ўрнатиш;

молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида хорижий давлатлар Марказий банклари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

масофадан ва жойига чиққан ҳолда назорат қилиш, шунингдек мақсадли маълумот тўплаш, тематик таҳлил, “сирли мижоз”, мижозлар фокус гуруҳи ва сўровлар ўтказиш, реклама материаллари ва мижозлар шикоятлари таҳлили каби назорат инструментларидан кенг фойдаланиш;

Марказий банкнинг “Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хизмати”нинг молиявий хизматлар бозорини мониторинг қилиш ва янги рақамли кредит хизматларини таҳлил қилиб бориш салоҳиятини ошириш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда “ҳимояланган истеъмолчи” тушунчасига аниқлик киритиш;

истеъмолчилар билан бўладиган муносабатларнинг ҳар қандай босқичида молиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар томонидан амал қилиниши талаб этиладиган молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тамойилларини белгилаш;

Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига молиявий хизматлар кўрсатувчи ёки Марказий банк томонидан назорат қилинадиган кредит ва тўлов ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмаслигини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритиш;

ўрта муддатли истиқболда кенг қамровли, фаолиятга асосланган “Молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш;

молиявий хизматларни кўрсатувчи ташкилотларнинг молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқларини бузганликлари учун масъулиятлари ва жавобгарликларини аниқ белгилаш;

барча кредит ташкилотлари учун амал қиладиган кредитнинг тўлиқ қийматини ҳисоблаш механизмини хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириб бориш;

барча истеъмол кредитлари бўйича кредитнинг умумий қийматини ягона формула бўйича ҳисоблаш тизимини жорий этиш;

кредит ташкилотлари томонидан истеъмолчиларга хизмат кўрсатишда базавий молиявий хизматлар бўйича фоиз ставкалар, тўловлар ва бошқа муҳим маълумотларни ўз ичига олган қисқа ва осон тушуниладиган “асосий фактлар варағи”ни тақдим этиш бўйича талаблар ўрнатиш;

барча турдаги кредитлар ва депозитлар бўйича истеъмолчиларга электрон кўринишда даврий равишда маълумотлар тақдим этишни йўлга қўйиш;

истеъмолчилар учун молиявий хизматларнинг ўзига хос хусусиятлари ва нархларини солиштириш имкониятини яратиш;

молиявий хизматларни кўрсатувчи ташкилотлар томонидан мижозлар билан адолатсиз шартларда, шу жумладан мижозга молиявий тарафдан зарар етказувчи, қўшимча харажатларни талаб қилувчи шартларда шартномалар тузилишини таъқиқлаш;

барча кредит ташкилотларидан кредит маҳсулотларини истеъмолчилар жиддий қийинчиликларсиз тўлай олишига ишонч ҳосил қилиш ва кредитга лаёқатлилик таҳлилини ўтказиш бўйича талаблар ўрнатиш орқали “масъулиятли кредитлаш” амалиётини жорий қилиш;

барча кредит ташкилотларининг ўз ходимлари ва агентларининг хатти-ҳаракатлари ва йўл қўйган камчиликлари учун жавобгарлигини қатъий белгилаш;

молиявий хизматлар истеъмолчиларига оид маълумотлар хавфсизлиги бўйича талабларни кучайтириш;

қонун ҳужжатларига қарз ундиришнинг таҳқиқловчи амалиётларини таъқиқлаш бўйича нормалар киритиш;

шикоят ва низоларни ички ҳал қилиш тизимига қўйиладиган талабларни кучайтириш, ушбу талабларни барча кредит ва тўлов ташкилотларига нисбатан татбиқ этиш, шунингдек шикоятлар бўйича статистик маълумотларни Марказий банкда мужассамлаштириш;

шикоят ва низоларни ички ва ташқи ҳал қилиш жараёнига оид статистик маълумотларни таҳлил қилиш жараёнларида назорат технологияларидан (suptech) фойдаланган ҳолда истеъмолчи ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ рискларни аниқлаш, мониторинг қилиш ва бартараф этиш;

ўрта муддатли истиқболда шикоят ва низоларни ташқи ҳал қилувчи органга муқобил сифатида илғор хорижий тажрибага асосан зарур ваколат ва таъсир кучига эга бўлган Молиявий омбудсман институтини жорий қилиш.

5. Аҳоли ва тадбиркорларнинг молиявий саводхонлигини ошириш

Молиявий саводхонлик оқилона молиявий қарорларни қабул қилиш ва пировардда шахсий молиявий фаровонликка эришиш учун зарур бўлган хабардорлик, билимлар, кўникмалар, хулқ-атвор ва муносабатлар мажмуидир.

Молиявий саводхонлик даражасини ошириш масъулиятли қарор қабул қилиш натижасида рақобатни яратиш орқали молия сектори ривожланишига, молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини ошишига ҳамда банк-молия тизимига бўлган ишончни ортишига кўмаклашади.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг молиявий таълим стратегиялари бўйича юқори даражадаги тамойилларига кўра молиявий саводхонликни ошириш сиёсати ҳар бир давлатнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиши лозим бўлиб, унинг натижадорлигини таъминлашда молия-иқтисод ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларининг такрорий тадбирларга йўл қўймасдан, ташаббусларни ҳамжиҳатликда фаол амалга ошириши талаб этилади.

Бугунги кунда, мамлакатимизда вазирлик ва идоралар томонидан аҳоли ва тадбиркорларнинг молиявий саводхонлигини бевосита ва билвосита оширишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан:

аҳолида базавий молиявий билимларни шакллантириш мақсадида умумтаълим мактабларининг 8-9-синф ўқувчиларига "Иқтисодий билим асослари" ҳамда 11-синф ўқувчиларига "Тадбиркорлик асослари" фанларини ўқитиш;

интернет ва оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликни молиявий хизматлар ва маҳсулотлар ҳақида хабардор қилиш, ҳар йили болалар ва ёшларга мўлжалланган "Умумжаҳон пул ҳафталиги" ва "Умумжаҳон жамғарма куни" каби халқаро таълим тадбирларини ўтказиш;

тадбиркорларда бизнесга оид билим ва кўникмаларни шакллантириш ҳамда оширишга қаратилган тематик вебинарлар, ўқув-семинарлар ва давра суҳбатларини ташкил этиш;

тадбиркорларга онлайн режимда, шунингдек вазирлик ва идораларнинг колл-марказлари орқали юридик ва бизнес маслаҳатлар бериш;

тадбиркорлар учун қонунчиликдаги ўзгаришлар, имтиёзлар ва преференциялар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини юритишга доир долзарб масалаларни ёритувчи телевизион дастурлар ҳамда ахборот тарқатма материалларини тайёрлаш йўлга қўйилган.

Бироқ, республикада молиявий саводхонликни ошириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар жорий ҳолати таҳлили ушбу тизимда бир қатор камчиликлар борлигини кўрсатмоқда. Хусусан:

асосий эътибор аҳолида тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, иқтисодий тушунчаларни билиш ва

масъулиятли молиявий хулқ-атвор кўникмаларини шакллантириш масалаларига жуда кам эътибор қаратилмоқда;

мактабларда бошланғич синфларданок молиявий-иқтисодий тушунчаларни ўргатиш ва зарур кўникмаларни шакллантиришга қаратилган махсус дастурни назарда тутадиган фундаментал молиявий – иқтисодий таълим тизими ишлаб чиқилмаган;

таълим тадбирлари ва дастурлари асосан ахборот беришга йўналтирилган бўлиб, молиявий хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ўзаро муносабатга киришиш учун зарур кўникмаларни ривожлантиришга қаратилмаган;

аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, шу жумладан қишлоқ аҳолисига молиявий маслаҳат ва молиявий таълим беришга йўналтирилган махсус ўқув дастурлари ишлаб чиқилмаган;

мамлакатда рақамли молиявий саводхонликни ривожлантириш ва фирибгарликдан ҳимоя қилиш бўйича ўқитиш тизими яратилмаган;

аҳолининг молиявий саводхонлиги бўйича мавжуд бўшлиқларни аниқлаш имконини берадиган аҳолининг молиявий саводхонлигини баҳолаш миллий тизими мавжуд эмас.

Бундан ташқари, Халқаро молия корпорацияси томонидан мамлакатда молиявий хизматлар оммабоплиги ва аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини ўрганиш бўйича ўтказилган сўров натижалари мамлакатда молиявий саводхонлик даражаси юқори эмаслигини, катта ёшли аҳолининг **23** фоизи базавий молиявий тушунчалар бўйича минимал молиявий билимга эга эканлигини кўрсатди.

Ушбу кўрсаткич Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларда ўртача **30** фоизни ташкил этса, Катта йигирматалик давлатларида ўртача **48** фоизни, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо давлатларда эса ўртача **62** фоизни ташкил этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шунингдек банк тизимини трансформация қилиш даврида тижорат банклари ўз бизнес моделларини ўзгартириб, чакана бизнесни ривожлантираётган ва рақамли каналлар орқали молиявий хизматлар кўрсатиш кенг тарқалаётган бир шароитда молиявий хизматлардан фойдаланишнинг ижобий натижаларини ошириш учун мамлакатда молиявий саводхонлик даражасини ошириш долзарб аҳамият касб этади.

Бу эса мамлакатда молиявий саводхонлик даражасини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этиб, уларни ишлаб чиқишда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ёшлар, аёллар, қишлоқ аҳолиси, кичик бизнес субъектлари каби фокус гуруҳларга ажратилиши ҳамда ҳар бир фокус гуруҳ учун алоҳида манзилли лойиҳалар тайёрланишини тақозо этади.

Шунингдек, ҳар бир аҳоли гуруҳига молиявий билимларни самарали етказиш учун ушбу гуруҳларнинг алоҳида хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда энг мақбул коммуникация каналларидан (китоблар, брошюралар каби босма материаллар, радио, видео ва теледастурлар, интерактив мобил илова

ва веб-саҳифалар, ижтимоий тармоқлар ва бошқалардан) фойдаланиш талаб этилади.

Шу муносабат билан, ушбу йўналишда **қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган:**

таълим муассасаларининг ўқув жараёнларига молиявий таълим дастурларини жорий этиш;

“edutainment” (қизиқарли тарзда ўқитиш) технологияси асосида молиявий таълим беришни йўлга қўйиш орқали аҳолида фундаментал молиявий билимларни шакллантириш;

турли аҳоли гуруҳлари (болалар, ёшлар, 18 ёшдан катталар, хотин-қизлар, мигрантлар ва тадбиркорлар) учун молиявий саводхонликни ошириш ва аҳолини тадбиркорликка тайёрлаш бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, анъанавий ва онлайн таълим тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш;

молиявий хизматлар истеъмолчиларига молиявий маслаҳат ва кўрсатмаларни тақдим этувчи мутахассисларни, шу жумладан жамиятдаги етакчи хотин-қизларни тренер ва консултантликка тайёрлаб бориш (“training of trainers” ва “training of consultants” дастурлари);

оммавий ахборот воситалари орқали “edutainment” таълим шаклидан кенг фойдаланган ҳолда аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишга доир ахборот-таълим материалларини аудио ва визуал кўринишда барча теле ва радио каналларда ёритиб бориш;

молиявий саводхонлик бўйича электрон ўқув материаллар ва ахборот-коммуникация маҳсулотларни (онлайн ўйинлар, мобил иловалар ва ҳоказоларни) ишлаб чиқиш ва уларни турли мобил платформаларга жойлаштириш;

Марказий банкнинг аҳоли ва тадбиркорлар учун мўлжалланган www.finlit.uz ахборот-таълим веб-сайтини доимий равишда янги материаллар ва интерактив функциялар билан бойитиб бориш;

аҳолининг рақамли молиявий хизматлардан фойдаланиш бўйича саводхонлигини оширишга йўналтирган чора-тадбирларни амалга ошириш;

тижорат банклари томонидан халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан кичик бизнесни молиялаштириш лойиҳаларига молиявий таълимни таркибий қисм сифатида киритиш;

стартап ва ёш тадбиркорлар учун малака ошириш ва тажриба алмашиш дастурларини ташкил этиш;

манфаатдор вазирлик ва идоралар, шу жумладан давлат ва нодавлат ташкилотларнинг етакчиларидан ташкил топган хотин-қизларнинг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича ишчи гуруҳини (“taskforce committee”) ташкил этиш;

ўқувчиларнинг таълим натижаларини баҳолаш халқаро дастури (PISA)нинг навбатдаги босқичида Ўзбекистонда ёшларнинг молиявий саводхонлигини баҳолаш йўналишини киритиш.

III. Миллий стратегия ижросини мониторинг қилиш ва баҳолаш

Миллий стратегияда молиявий оммабоплик бўйича белгиланган мақсадларга эришиш ва қилинган саъй-ҳаракатлар натижадорлигини баҳолаш, шунингдек чора-тадбирларни амалга оширишда юзага келадиган муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш самарали мониторинг ва баҳолаш тизимини жорий этишни талаб этади.

Мониторинг ва баҳолаш тизими қуйидаги 3 та асосий элементдан иборат:

талаб (demand-side) ва таклиф (supply-side) томонидан молиявий оммабопликка оид ишончли, сифатли ва кенг қамровли статистик ва бошқа маълумотлардан иборат бўлган **маълумотлар инфратузилмаси**;

Миллий стратегиянинг асосий **мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари)**;

Миллий стратегияни амалга ошириш “**йўл харитаси**”да белгиланган вазифалар ижросини доимий назорат қилиб бориш тизими.

1. Маълумотлар инфратузилмаси

Самарали мониторинг ва баҳолаш тизимини жорий этишда молиявий хизматлар кўрсатувчилардан олинган (таклиф) маълумотлар билан бир қаторда молиявий хизматлар истеъмолчилари (талаб) томондан ҳам маълумотлар зарур бўлади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда талаб томонидан молиявий оммабопликка оид маълумотларни тўплаб бориш йўлга қўйилмаган бўлиб, мамлакатдаги молиявий оммабоплик ҳолатини таҳлил қилишда халқаро молия институтлари томонидан ўтказилган сўров натижаларидан, хусусан Жаҳон банкининг “Global Findex” ва “Enterprise Survey” ҳамда Халқаро молия корпорациясининг “Financial Capability Survey” маълумотларидан фойдаланилади.

Бироқ, мазкур сўровлар ҳар йили ўтказилмайди ва бу уларга таянган ҳолда молиявий оммабоплик ҳолатини доимий таҳлил қилиб бориш имкониятини чеклайди.

Шу сабабли, мамлакатда талаб томонидан молиявий оммабопликка оид сифатли статистик маълумотларни тўплаб бориш салоҳиятини шакллантириш талаб этилади.

Ушбу мақсадда Марказий банк Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда Миллий стратегия доирасида фойдаланиш учун Давлат статистика қўмитаси томонидан аҳоли ўртасида ўтказиладиган йиллик сўровномаларни молиявий хизматлардан фойдаланиш бўйича саволлар билан тўлдирган ҳолда талаб томондан маълумотлар тўплашни йўлга қўяди.

Зарур ҳолларда Марказий банк томонидан буюртма асосида соҳага ихтисослашган маҳаллий ва чет эл компанияларини жалб этган ҳолда молиявий оммабопликни ўрганиш мақсадида алоҳида сўровлар ўтказилади.

Шу билан бирга, Миллий стратегияни амалга ошириш давомида молиявий оммабопликка оид талаб ва таклиф томонидан маълумотлар инфратузилмаси кенгайтириб борилади.

2. Миллий стратегиянинг асосий мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари)

Миллий стратегия доирасида амалга оширилиши белгиланган чора-тадбирларнинг умумий натижадорлиги Миллий стратегияни амалга оширишнинг мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлар)дан фойдаланган ҳолда баҳоланади (**2-илова**).

Ўз навбатида, индикаторлар манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотларга Миллий стратегия мақсадларига эришиш йўлидаги асосий муаммо ва тўсиқларни аниқлаш имконини беради.

Индикаторлар Миллий стратегиянинг мақсади ва 5 та асосий йўналиши бўйича жорий ҳолат ва потенциал имкониятлардан келиб чиқиб белгиланади.

3. Миллий стратегия “йўл харитаси”да белгиланган вазифалар ижросини назорат қилиш тизими

Миллий стратегия мақсадига эришиш Миллий стратегия “йўл харитаси”да белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишига боғлиқ бўлиб, уларнинг ижросини доимий назорат қилиш муҳим аҳамият касб этади (**1-илова**).

Миллий стратегияда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар Марказий банк томонидан умумлаштирилади ва зарур ҳолларда Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш миллий стратегиясини ишлаб чиқиш ва келгусида амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашга тақдим этилади.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш Миллий стратегияни амалга ошириш давомида юзага келган муаммоларни бартараф этиш, Миллий стратегияга тегишли ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича қарорлар қабул қилади.

III. Стратегияни амалга оширишдан кутилаётган асосий натижалар

Миллий стратегияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш орқали мамлакатда молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш бўйича қўйидаги асосий натижаларга эришиш кўзда тутилган:

аҳолининг кредит ва тўлов ташкилотларига бўлган ишончи янада ортади;

мамлакатда камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлиги ошади;

чекка ва олис ҳудудлардаги аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини банкнинг базавий хизматлари билан қамраб олиш даражаси ортади;

молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими такомиллашади;

аҳолининг молиявий саводхонлик даражаси, шу жумладан рақамли молиявий хизматлардан фойдаланиш бўйича саводхонлиги ошади;

банк ҳисобварағидан фойдаланувчи катта ёшли аҳоли сони кўпаяди; мамлакатда кўрсатилаётган рақамли молиявий хизматлар ҳажми ортади;

банк хизматлари офислари ва ўзига ўзи хизмат кўрсатиш марказлари (24/7) тармоғи кенгаяди;

истеъмол кредити, ипотека кредити, лизинг ва факторинг хизматлари бозори ривожланади;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига мўлжалланган янги молиявий маҳсулот ва хизматлар турлари яратилади;

кичик бизнес субъектларини молиялаштиришнинг муқобил манбалари яратилади;

республикада тўлов хизматлари бозорининг замонавий экотизими яратилади;

кредит ахбороти алмашинуви тизими янада ривожланади.

Мазкур натижалар қуйидаги якуний мақсадларга эришишга хизмат қилади. Жумладан:

аҳолининг молиявий саводхонлиги ошиши, базавий молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларининг кенгайиши ҳисобига мазкур хизматлардан фойдаланиш самарадорлигининг ортиши орқали **аҳолининг фаровонлиги ошади;**

молиявий қўллаб-қувватлаш манбалари ва каналлари кенгайиши натижасида кичик бизнеснинг ривожланиши **иқтисодий ўсишга** замин яратади;

молиявий хизматларнинг оммабоплиги, молиявий саводхонлик даражасини ошиши, шунингдек молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқларининг тизимли ҳимоясининг таъминланиши банк-молия тизимига бўлган ишончнинг ортишига, бу орқали **молиявий тизим барқарорлиги** таъминланишига олиб келади;

молиявий хизматларни рақамлаштириш, молиялаштириш манбаларини кенгайтириш, қулай ва фойдали хизматлар кўрсатиш тизимини шакллантириш ҳисобига аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари расмий секторга жалб қилиниб, **яширин иқтисодиёт** улуши қисқаради.

Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш
 миллий стратегиясига
 1-илова

2021-2023 йилларга мўлжалланган Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш миллий стратегиясида
 белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича
 “ЙЎЛ ХАРИТА”

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
I. Базавий молиявий хизматлар қамровини ошириш					
1.	Аҳолининг кенг қатламларини банк хизматлари билан қамраб олиш мақсадида банк инфратузилмасини кенгайтириш	<p>1. Банк хизматлари билан қамраб олинмаган чекка ва олис ҳудудларни аниқлаш ва уларнинг рўйхатини тузиш;</p> <p>2. Ҳудудларда банк инфратузилмасини ташкил этиш юзасидан тижорат банкларига таклифлар тақдим этиш;</p> <p>3. Банк хизматларига бўлган талаб ва ўзини қоплашни инobatга олган ҳолда барча ҳудудларда банк инфратузилмасини (шу жумладан “банк хизматлари офис”ларини) ташкил этиш юзасидан йиллик чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;</p> <p>4. Янги банк инфратузилмасини (шу жумладан “банк хизматлари офис”ларини) ташкил этиш;</p> <p>5. Рағбатлантириш механизмларидан фойдаланган ҳолда, шунингдек банк хизматларининг ҳудудий қамровини таъминлаш мақсадида қишлоқлар ва узоқ ҳудудларда давлат улушига эга</p>	Амалий чора-тадбирлар	доимий	Марказий банк, Давлат статистика қўмитаси
Тижорат банклари					
Молия вазирлиги, Марказий банк, Агро банк, Микрокредитбанк					

		<p>банкларнинг хизмат кўрсатиш нўқталарини ташкил этиш, шу жумладан зарур ҳолларда банк хизматларини кўрсатишнинг муқобил йўлларидан фойдаланиш.</p>			
2.	<p>Тижорат банкларининг айрим хизматларини агентлик шартномаси асосида учинчи шахс томонидан кўрсатилиши амалиётини жорий этиш</p>	<p>1. Тижорат банклари операциялари ва хизматларини агентлар орқали амалга оширилиши тўғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқиш; 2. Синов тариқасида танланган ҳудудларда “Ўзбекистон почтаси” АЖ тармоғи орқали банклар (дастлаб Алоқа банк) номидан банк картасини мижозга етказиб бериш, кредит ҳужжатларини расмийлаштириш каби операцияларни амалга оширишни ташкил этиш; 3. Заруратга кўра почта тармоғи орқали кўрсатилаётган банк хизматлари турларини кўлайитириш; 4. Тижорат банклари билан тузилган агентлик шартномалари асосида банк хизматлари кўрсатиш қамровини кенгайтириш.</p>	<p>Норматив-хуқуқий ҳужжат Амалий чора-тадбирлар</p>	<p>2021 йил сентябрь 2021 йил сентябрь 2021-2023 йилларда</p>	<p>Марказий банк “Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти, Алоқа банк, тижорат банклари, Марказий банк</p>
3.	<p>Янги молиявий хизматларни (синов тарзида) жорий қилишда “тартибга солиш қумдони” режими тамойилларидан фойдаланиш</p>	<p>1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонунига Марказий банкка “тартибга солиш қумдони” режимини ташкил этиш ваколатини бериш бўйича таклифни киритиш; 2. Халқаро молия корпорациясининг техник қўмағида “тартибга солиш қумдони” режими тамойилларини ишлаб чиқиш.</p>	<p>Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаси Марказий банк бошқаруви қарори</p>	<p>2021 йил март Қонунга тегишли ўзгартириш киритилган-дан сўнг</p>	<p>Марказий банк</p>

4.	Банкларнинг омонат операцияларининг жозибадорлигини ошириш	Банкнинг бир филиалида очилган омонат ҳисобварағини шу банкнинг исталган филиалидан тўлдириш, маблағларни талаб қилиб олиш ва омонат бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш имкониятини яратиш.	Амалий чора-тадбирлар	2021 йил якунига қадар	Тижорат банклари, Марказий банк
5.	Юридик шахслардан аҳолига ва аҳолидан юридик шахсларга амалга ошириладиган тўловларда нақд пулсиз тўловлар улушини ошириш	1. Аҳолига нафақа, стипендия, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган бошқа тўловларни тўлиқ нақд пулсиз ҳисоб-китоблар орқали, шу жумладан банкдаги ҳисобварақлари ва банк карталарига ўтказиш орқали тўлаш тизимини жорий этиш; 2. Аҳолининг коммунал хизматлар, солиқ ва давлатнинг бошқа хизматлари учун тўловларини тўлиқ нақд пулсиз ҳисоб-китоблар орқали амалга ошириш.	Амалий чора-тадбирлар	доимий	Молия вазирлиги, УЖКХК вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк, манфаатдор вазирлик ва идоралар
6.	Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг кенг қатламларига мўлжалланган банк хизматлари турларини кенгайтириш	1. Хизмат кўрсатишининг рақамли технологияларга асосланган янги каналларини татбиқ қилиш; 2. Ажратилган кредитларни тижорат банклари томонидан қайта молиялаштириш амалиётини йўлга қўйиш.	Амалий чора-тадбирлар Марказий банк кўрсатма хати	доимий 2021 йил сентябрь	Тижорат банклари, Марказий банк
7.	Халқаро пул ўтказмаларини масофадан амалга ошириш имкониятларини кенгайтириш	1. Аҳолининг талабидан келиб чиққан ҳолда йирик халқаро пул ўтказмалари тизимлари билан халқаро пул ўтказмаларини тўғридан-тўғри ёки мобил иловалар орқали маҳаллий ва халқаро банк карталарига кирим қилиш бўйича имкониятларни кенгайтириш.	Амалий чора-тадбирлар	2021 йил	Микрокредитбанк, Агробанк, Халқ банки, Марказий банк

		2. Банклар томонидан хорижий банклар ва тўлов ташкилотлари билан тўғридан-тўғри пул ўтказмаларини амалга ошириш имкониятини яратиш юзасидан ҳамкорликни ривожлантириш. 3. Миллий тўлов тизимлари орқали халқаро пул ўтказмаларини тўғридан тўғри (P2P) амалга ошириш имкониятини яратиш.		2021-2022 йиллар	Марказий банк, тўлов тизими операторлари
8.	Ипотека кредити бозорини ривожлантириш	1. Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти фаолиятини кенгайтириш орқали банкларда узоқ муддатли ресурслар базасини кенгайтириш; 2. Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда ипотека қимматли қоғозларини эмиссия қилиш, жойлаштириш ва уларнинг муомаласида юзага келувчи муносабатларни, шунингдек, ипотека қимматли қоғозлари бўйича мажбуриятларни бажариш қоидаларини тартибга солувчи "Ипотека қимматли қоғозлари тўғрисида" ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш; 3. Ипотека қимматли қоғозларини чиқариш ва уларни инвесторлар орасида жойлаштириш фаолиятини йўлга қўйиш.	Амалий чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси Амалий чора-тадбирлар	2021 йил давомида 2021 йил ноябрь	Молия вазирлиги Молия вазирлиги, Марказий банк, Иқтисодий тараққиёт вазирлиги, ИҚМТ
9.	Банклар томонидан ўз миқозларига уларнинг ҳисобварақлари кўчирмасини электрон кўринишда тақдим этиб бориш имкониятини яратиш	1. Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомга миқозларнинг ҳисобварақлари кўчирмасини, шу жумладан миқоз танловига кўра электрон кўринишда	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	Қонун қабул қилингандан сўнг 2021 йил сентябрь	Молия вазирлиги, ИҚМТ, тижорат банклари Марказий банк, тижорат банклари

		тақдим этиб боришни назарда тутувчи қўшимчалар киритиш; 2. Тижорат банклари томонидан миқоз ҳисобварақларидан кўчирмаларни электрон равишда тақдим этиш имкониятини яратиш.	Амалий чора-тадбирлар	2021 йил декабрь	Тижорат банклари
10.	Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари орасида ҳисоб-китобларни нақдсиз кўринишда амалга ошириш тизимини такомиллаштириш	Мобил иловалар ёки тижорат банкларининг веб-сайтлари (шахсий кабинет) орқали жисмоний шахслардан банк реквизитлари бўйича юридик шахсларнинг ҳисобварақларига пул ўтказмаларини амалга ошириш имкониятини кенгайтириш.	Амалий чора-тадбирлар	2021 йил октябрь	Тижорат банклари
II. Рақамли молиявий хизматларни ривожлантириш					
11.	Мижозларга масофавий банк хизматлари , шу жумладан, мобил иловалар орқали хизмат кўрсатиш кўлами ва сифатини ошириш	1. Масофавий банк хизматлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш мақсадида барча банклар томонидан миқозларга масофавий банк хизматларини анъанавий банк хизматларига нисбатан жозибадор шартларда кўрсатиш; 2. Тижорат банклари ва тўлов ташкилотлари ўзларининг мобил иловаларидан амалга оширилган тўловлар бўйича электрон квитанцияларни рақамли алоқа каналлари орқали шакллантириш механизминини жорий этиш; 3. Банк миқозларининг масофавий хизматлардан фойдаланиш кўламини кескин оширишга доир банклар бўйича мақсадли кўрсаткичлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	Амалий чора-тадбирлар Мақсадли кўрсаткичлар режаси	доимий	Марказий банк, тижорат банклари, тўлов ташкилотлари Тижорат банклари, тўлов ташкилотлари Тижорат банклари

12.	Тўлов тизимларининг фаолият юритишини назорат қилиш механизмини (тартибини) ишлаб чиқиш	Тўлов тизимларининг фаолият юритишини назорат қилиш механизмини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	2021 йил октябрь	Марказий банк
13.	Банк тизимида жисмоний шахсларни масофадан туриб идентификация қилиш тизимини жорий этиш	1. Шахснинг иштирокисиз миқозларни текшириш қоидаларини ҳамда миқозларни масофадан идентификация қилишнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш; 2. Жисмоний шахсларни масофадан туриб идентификация қилиш механизмини жорий этилишини яқунлаш; 3. Жисмоний шахсларни масофадан туриб идентификация қилиш тизими қамровини ҳудудларда кенгайтириш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат Дастурий таъминот ишлаб чиқиш Амалий чора-тадбирлар	2021 йил июль 2021 йил сентябрь 2021-2023 йиллар	Марказий банк, Давлат персоналлаштириш маркази, Ахборот технологиялари ва коммуникациялари ривожлантириш вазирлиги, тижорат банклари
14.	Миллий тўлов инфрагузилмасида мулоқотсиз тўловларнинг инновацион технологияларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш	1. Республика бўйича савдо ва хизмат кўрсатиш шохбчаларида NFC технологияси билан таъминланган воситалар орқали мулоқотсиз тўловларни амалга оширилишини оммалаштириш ва кўламини кенгайтириш; 2. Халқаро EMV стандартларига мувофиқ тўловларни амалга ошириш имкониятини берувчи QR-online тизими орқали амалга ошириладиган тўловларнинг оммабоплигини ошириш ва кўламини кенгайтириш мақсадида Республика бўйича савдо ва хизмат кўрсатиш шохбчаларининг талабидан келиб чиққан ҳолда "QR" кодларни шакллантириш;	Амалий чора-тадбирлар График режа ишлаб чиқиш	2021-2023 йиллар	Марказий банк, тижорат банклари

	<p>3. NFC технологияси ва QR-онлайн тизими орқали тўловларни амалга ошириш имкониятларини жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиб бориш.</p>	<p>1. Техник топшириқ ва техник йўриқномаларни ишлаб чиқиш; 2. Тўлов ташкилотларининг мурожаатларига асосан уларнинг ахборот тизимларини Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизимига улаш.</p>	<p>Техник ҳужжатлар Мурожаатга асосан тизимга улаш</p>	<p>2021 йил август 2021-2023 йиллар давомида</p>	<p>Тижорат банклари Марказий банк, тижорат банклари</p>
<p>15.</p>	<p>Тўлов ташкилотларини Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизимига банкларнинг кафиллиги асосида тўғридан-тўғри улаш чораларини кўриш</p>	<p>1. Ахборот технологияларига ихтисослаштирилган таркибий бўлинмаларнинг малака оширадиган ходимлари рўйхатини шакллантириш; 2. Ходимларни ўқитиш бўйича ўқув муассасалари билан шартномалар тузиш; 3. Ходимларнинг замонавий ахборот технологиялари бўйича билим ва кўникмаларини ошириш, шу жумладан халқаро IT ва ахборот хавфсизлиги сертификатлари олишларини ташкиллаштириш.</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар</p>	<p>2021-2023 йиллар давомида</p>	<p>Марказий банк, тижорат банклари</p>
<p>17.</p>	<p>Банкларда тўлақонли ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларини кучайтириш</p>	<p>1. Банк ва молия-кредит соҳасидаги ахборот муҳофазаси ва киберхавфсизлик ҳодисаларини олдини олиш, уларга қарши таъсир чораларини кўриш, молиявий фирибгарликларга қарши жавоб қайтариш ва уларни текширишнинг таъсирчан механизмини яратиш;</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар</p>	<p>2021-2023 йиллар давомида</p>	<p>Марказий банк, тижорат банклари</p>

		<p>2. Марказий банк таркибида банк ва молия-кредит соҳасидаги ахборот муҳофазаси ва киберхавфсизлик ҳодисаларининг олдини олиш, уларга қарши таъсир чораларини кўриш ва молиявий фирибгарликларга қарши жавоб қайтариш бўйича FinCERT марказини ташкил этиш;</p> <p>3. Банк соҳасида ахборот муҳофазаси ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича фаолият олиб борувчи хорижий ташкилотлар ва банк-молия йўналишидаги компьютер ҳодисаларига қарши жавоб қайтариш гуруҳлари билан ўзаро англашув ва ҳамкорлик ҳақида меморандумлар тузиш.</p>	Ўзаро англашув меморандуми	2021-2023 йиллар давомида	2021 йил декабрь	Марказий банк
18.	Банклар томонидан “Доимий мижозлар” дастурини жорий этиш	Тижорат банклари томонидан савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида банк карталари орқали тўловларни қабул қилишда “савдо нуқтасининг фаолияти” – (МСС) кодлари асосида мижозларни белгилашни йўлга қўйиш ва шу асосда “Доимий мижозлар” дастурий тизимини жорий этиш.	Амалий чора-тадбирлар	2021-2022 йиллар давомида	2021-2022 йиллар давомида	Тижорат банклари, Ягона умулреспублика процессинг маркази, Миллий банклараро процессинг маркази
19.	Банкларда мавжуд бўлган банкматлар инфратузилмасини янги банк хизматлари билан бойитиш	Банкоматларда масофавий банк хизматларининг янги турларини, жумладан омонатлар қабул қилиш, кредитларни сўндириш, овердрафт кредитлари олиш, ҳисобварақлар тўғрисида маълумотларни олиш ва бошқа хизматларни жорий этиш.	Амалий чора-тадбирлар	2021-2022 йиллар давомида	2021-2022 йиллар давомида	Тижорат банклари, Ягона умулреспублика процессинг маркази, Миллий банклараро процессинг маркази

III. Кичик тадбиркорлик субъектларини молиялаштиришни тақомиллаштириш				
	Хорижий ўрганган бозорини амалиётларни ҳолда факторинг ривожлантириш бозорини ривожлантириш ҳамда унинг электрон платформасини яратиш имкониятларини аниқлаш	1. Факторинг ривожлантириш борасида банклардаги муаммоларни (тўсиқларни) ўрганиш ва ихтисослашган компанияларини ташкил этиш истиқболларини аниқлаш. 2. Электрон факторинг платформасига талаб, унинг имкониятлари ва бу борадаги илғор хорижий тажрибани ўрганиш; 3. Факторинг бозорини ривожлантириш ва электрон факторингни жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.	Таҳлилий материаллар	2021 йил давомида
20.	Хорижий ўрганган бозорини амалиётларни ҳолда факторинг ривожлантириш ҳамда унинг электрон платформасини яратиш имкониятларини аниқлаш	1. Факторинг ривожлантириш борасида банклардаги муаммоларни (тўсиқларни) ўрганиш ва ихтисослашган компанияларини ташкил этиш истиқболларини аниқлаш. 2. Электрон факторинг платформасига талаб, унинг имкониятлари ва бу борадаги илғор хорижий тажрибани ўрганиш; 3. Факторинг бозорини ривожлантириш ва электрон факторингни жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.	Меъёрий ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2022 йил февраль
21.	Лизинг хизматлари бозорини янада ривожлантириш	Ўзбекистон Республикасининг "Лизинг тўғрисида" ги Қонунига молиявий ижара ва лизинг тушунчаларининг аниқ мезонларини белгилашни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.	Меъёрий ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2021 йил декабрь
22.	Рискларни баҳолашда янгича ёндашувларни шакллантириш, замонавий кредит хамда маҳсулоглари хизматларни қўрсатилаётган хизматларни ривожлантириш	1. Қиймат занжирини молиялаш, шартномани молиялаш (қунлик етказиб бериш, келгусида даврий етказиб бериш шартлари асосида тузилган шартномаларга), пул оқимлари асосида кредитлаш ва молиялашнинг бошқа муқобил моделларидан фойдаланиш борасида хорижий тажрибани ва миллий банк-молия тизимида улардан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш;	Ўрганиш натижалари бўйича хулоса	2021 йил октябрь

Марказий банк,
Молия вазирлиги,
Кичик бизнес ва
тадбиркорликни
ривожлантириш
агентлиги,
Давлат солиқ
қўмитаси,
Савдо-саноат
палатаси,
тижорат банклари

Молия вазирлиги,
Ўзбекистон лизинг
берувчилар
уюшмаси,
Савдо-саноат
палатаси,
Марказий банк

Марказий банк,
Ўзбекистон банклар
ассоциацияси,
тижорат банклари,
нобанк кредит
ташкилотлари,
бошқа манфаатдор
ташкилотлар

		<p>2. Тижорат банклари ва молиявий хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилотлар ходимларининг бу борадаги билим ва кўникмаларини ошириш;</p> <p>3. Ўзбекистон банклар ассоциацияси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар томонидан кредит маҳсулотлари ва молиявий воситалар бозорини ривожлантиришнинг янгича ёндашувларини шакллантириш, афзалликларини кенг оммага етказиш.</p>	<p>Ходимларни ўқитиш режаларини ишлаб чиқиш</p> <p>Медиа кампания ва бошқа ўхшаш чора-тадбирлар комплекси</p>	<p>2021 йил декабрдан (режа асосида)</p> <p>2022 йилдан бошлаб (доимий)</p>	
23.	<p>Кредит ахбороти алмашинуви тизимини янада такомиллаштириш</p>	<p>1. Кредит ахбороти алмашинуви тизимини янада такомиллаштириш мақсадида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш. Хусусан: лизинг ва ритейлер компаниялари томонидан кредит тарихига оид маълумотларни кредит бюроларига тақдим этиш; кредит битимини расмийлаштирмасдан мижознинг розилиги билан кредит бюролари томонидан учинчи томонга кредит тарихини тақдим этиш имкониятини яратиш.</p> <p>2. Янги маълумотлар манбаларини аниқлаш ва маълумотлар базасини тўлдириш чораларини белгилаш. Шу жумладан: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги томонидан юридик ва жисмоний шахсларга тегишли кўчмас мулклар ва</p>	<p>Меъёрий ҳуқуқий ҳужжат</p>	<p>2021 йил март</p> <p>2021 йил октябрь</p>	<p>Марказий банк, Ўзбекистон лизинг берувчилар уюшмаси,</p> <p>Кредит бюролари, Ахборот технологиялари ва коммуникациялари ривожлантириш вазирлиги, “Ергеодезкадастр” Давлат қўмитаси,</p>

		<p>уларга кўйилган тақиқлар; тўлов (Узкорт, Хумо ва бошқа) тизимлари томонидан жисмоний шахсларнинг тўлов ўтказмалари; алоқа операторларининг барча абонентларига ЖШШИРни қўллаш.</p>			<p>тўлов тизими операторлари, Марказий банк</p>
24.	<p>Лойиҳалар краудфандинг механизми орқали чакана асосда молиялаштириш билан шуғулланувчи талабгорлар ўзининг очик электрон платформасини Марказий банкнинг “тартибга солиш қўмдони” режими доирасида (синов тарзида) ташкил этиб, фаолият юритиши учун ҳуқуқий асос яратиш</p>	<p>Тадбиркорлик лойиҳаларини “краудфандинг” механизми орқали молиялаштиришда “тартибга солиш қўмдони” режими қўллаш, жумладан “бэкер” (<i>краудфандингдаги инвестор</i>), “краудфандингни ташкил этиш хизматларини кўрсатувчи ташкилот”, “смарт-контракт” тушунчаларини аниқлаш, ушбу механизм орқали молиялаштиришга дастлабки синов учун мақбул соҳа ва мақсадларни ҳамда бошқа тегишли масалалар бўйича чегараларни белгилаш.</p> <p>Бунда краудфандинг электрон платформасини ишлаш хавфсизлигини таъминлаш, лойиҳаларни танлаш мезонлари ва тўловга лаёқатсизлиги (<i>муваффақиятсизлик</i>) эҳтимоли, молиявий таваккалчилик ва юзага келиши мумкин бўлган харажатлар тўғрисида шаффоф, аниқ ва ишончли маълумот тақдим этиш тартибига минимал талабларни белгилаб, такомиллаштириб боришга эътибор қаратилади.</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар</p>	<p>2022 йил январь-февраль (<i>тегишли қонун қабул қилингандан сўнг</i>)</p>	<p>Марказий банк, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
25.	<p>Факторинг ва лизинг хизматларининг кичик бизнес субъектлари ҳамда молия</p>	<p>1. Бу борада кенг оммани хабардорлик ва саводхонлигини ошириш дастурини ишлаб чиқиш;</p>	<p>Ўқув дастури</p>	<p>2022 йил февраль</p>	<p>Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги,</p>

ташкilotлари ўртасида фойдали молиявий воситалар сифатида хабардорлик ва қизиқишни рағбатлантириш	2. Тренерларни, шунингдек, тарқатма материаллар, видеороликлар, баннерларни тайёрлаш. Барча худудларда ўқув семинарлари ўтказиш бўйича чора-тадбирларни тасдиқлаш; 3. Факторинг ва лизинг тўғрисида тушунча ва унинг афзалликларини кенг оммага етказиш мақсадида турли тадбирларни ўтказиш. Шу жумладан халқаро экспертлар иштирокидаги конференция, учрашув ва кўрғазмалар ташкил этиш, халқаро молия институтлари ва бошқа ташкилотлар ҳомийлигида муваффақиятли молия институтлари ўртасида турли тадбирлар уюштириш орқали мазкур соҳани ривожлантиришни рағбатлантириш.	Ўқув семинарлари графиги Медиа компания ва бошқа ўхшаш чора-тадбирлар комплекси	2022 йил май 2022 йил сентябрь ойидан бошлаб	Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон банклар ассоциацияси, тижорат банклари, лизинг берувчилар уюшмаси
IV. Молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқларини қўлайтириш				
26. Молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини химоя қилиш масалаларига доир қондалар ишлаб чиқиш ва “ ҳимояланган истеъмолчи ” тушунчасини жорий қилиш	Қонунчиликка “ҳимояланган истеъмолчи” тушунчасини киритиш юзасидан қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаси	2021 йил ноябрь	Марказий банк, Истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш агентлиги
27. Кредитнинг тўлиқ қиймати тўғрисидаги маълумотни ошкор этилишини амалиётга жорий этиш	1. Кредит ташкилотлари томондан кредитнинг тўлиқ қийматини стандарт формула асосида ҳисобланишини назарда тутувчи қўшимчаларни киритиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш; 2. Ушбу ҳужжат лойиҳасини давлат рўйхатига киритиш учун Адлия вазирлигига киритиш.	Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2021 йил июль	Марказий банк

28.	Барча кредит ташкилотлари учун бир хил бўлган чакана молиявий маҳсулотлар бўйича таққосланувчи стандартлаштирилган муҳим аҳамиятга эга фактларни (асосий фактлар варағини) жорий этиш	1. Норматив ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклиф тайёрлаш; 2. Мазкур норматив ҳужжатни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш.	Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2021 йил июль	Марказий банк
29.	Кредит ташкилотларининг молиявий хизмаглари тўғрисидаги ахборотларни ошқор этишга қаратилган ягона онлайн-платформани яратиш	1. Истеъмолчилар-жисмоний шахслар ўзларига зарур бўлган кредит ёки депозит турини танлаш имкониятига эга бўлган Ягона онлайн-платформани яратиш бўйича техник топшириқларни тайёрлаш; 2. Ягона онлайн-платформани амалиётга жорий этиш.	Электрон ахборот тизими	2021 йил октябрь	Марказий банк, тижорат банклари
30.	Жисмоний шахслар томонидан кредит ташкилотлари олдидаги пул мажбуриятларига доир талабларни сўндириш навбати бўйича янги қондани ишлаб чиқиш (ФК 248-модда)	1. Жисмоний шахслар томонидан амалга оширилган тўлов суммаси кредит ташкилотлари олдидаги кредит (тадбиркорлик билан боғлиқ кредитлар бундан мустасно) ёки микроқарзни тўлиқ бажариш учун етарли бўлмаганида у кредиторнинг қарздолигини қуйидаги навбатда сўндиришни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш: 1) асосий қарз бўйича муддати ўтган қарздорликни; 2) муддати ўтган фоиз тўловларини; 3) жорий давр учун асосий қарз бўйича қарздорликни; 4) жорий давр учун ҳисобланган фоизларни; 5) неустойка (жарима, пеня);	Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаси	2022 йил январь	Марказий банк

		<p>6) қарздолликни қайтариш билан боғлиқ кредиторнинг бошқа харажатларини.</p> <p>2. Ушбу қонун лойиҳасини манфаатдор давлат органлари билан келишиш;</p> <p>3. Қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>		
31.	<p>Кредит ташкилотлари томонидан хуқуқи бузилган истеъмолчиларга жарима тўлаш механизмини жорий қилиш</p>	<p>Қонунчиликка кредит ташкилоти томонидан омонатчи ёки қарз олувчи жисмоний шахсга жамғарма операциялари ёки истеъмол ёхуд ипотека кредитлаш операциялари бўйича уларнинг хуқуқлари бузилган тақдирда суд қарорига асосан жарима тўлашни назарда тутувчи қондани жорий қилишга қаратилган тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p>	Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаси	2021 йил декабрь Марказий банк, Истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги
32.	<p>Кредит ташкилотларида масъулиятли кредитлаш тартибини жорий этиш</p>	<p>Норматив-хуқуқий ҳужжатларга кредит ташкилотлари томонидан молиявий маҳсулотлар истеъмолчиларининг талаблари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ҳамда кўрсатилишини таъминлаш бўйича уларнинг масъулиятини белгилашни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритиш.</p>	Меъёрий-хуқуқий ҳужжат	2021 йил декабрь Марказий банк, кредит ташкилотлари
33.	<p>Молия секторидаги низоларни суддан ташқари муқобил ҳал этувчи органни ташкил этиш ва унинг фаолият юритишини назарда тутувчи “Молиявий</p>	<p>1. Тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш;</p> <p>2. Ушбу қонун лойиҳасини ваколатли давлат органлари, жумладан Савдо-саноат палатаси билан келишиш;</p>	Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси	2023 йил декабрь Марказий банк, Молия вазирлиги, Истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги,

	<p>омбудсман тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш</p>	<p>3. Қонун лойиҳасини Маҳкамасига киритиш.</p>			Савдо-саноат палатаси
34.	<p>Кредит ташкилотлари томонидан банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга ошириши устидан назоратни такомиллаштириш</p>	<p>Кредит ташкилотлари томонидан банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда уларнинг фаолиятига қўйиладиган талабларга риоя этилиши ва улар фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этилиши юзасидан мунтазам равишда назорат тадбирларини амалга ошириш. Бунда, кредит ташкилотлари фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этилишини текшириш мақсадида:</p> <ul style="list-style-type: none"> кредит ташкилотларида назорат тадбирларини амалга ошириш; банк хизматлари истеъмолчилари орасида сўровномалар ўтказиш; Марказий банкка келиб тушаётган мурожаатларни таҳлил этиб бориш. 	<p>Амалий чора-тадбирлар</p>	<p>2021 йилдан бошлаб</p>	Марказий банк
35.	<p>Марказий банк томонидан молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида таваккалчиликка асосланган назоратни жорий этиш</p>	<p>1. Марказий банкнинг назорат ваколати доирасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими устидан мунтазам назоратни амалга ошириш тартибини (Молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасини назорат қилиш қўлланмаси) ишлаб чиқиш (кредит ташкилотлари ва тўлов хизматлари кўрсатувчи ташкилотларни ҳисобга олган ҳолда);</p> <p>2. Назорат воситаларини (мақсадли маълумотларни йиғиш, тематик шарҳлар тайёрлаш, сирли харидларни амалга</p>	<p>Марказий банк бошқаруви қарори</p>	<p>2022 йил май</p>	Марказий банк

	<p>36. Молиявий хизматлар истеъмолчиларининг хуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасига доир миллий қонунчиликни илғор хорижий амалиёт билан уйғунлаштириш ҳамда соҳага илғор халқаро стандартларни жорий этиш</p>	<p>ошириш, мижозлар ўртасида сўровномалар ўтказиш, мижозларнинг мурожаатларини таҳлил қилиш) жорий этиш.</p> <p>1. Молиявий оммабонлик альянси (АФИ) экспертлари билан ҳамкорликда миллий қонунчиликни ўрганиш; 2. Қонунчиликка молиявий хизматлар истеъмолчиларининг хуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга доир ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.</p>	<p>Таҳлилий материаллар</p> <p>Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси</p>	<p>2022 йил январь</p>	<p>Марказий банк</p>
<p>37.</p>	<p>Молиявий хизматлар истеъмолчиларининг хуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари ўртасида консултацион муҳокамаларни амалга ошириш амалиётини йўлга қўйиш</p>	<p>1. Молиявий хизматлар истеъмолчиларининг хуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш ва назорат қилиш масалалари юзасидан муҳокамаларни ташкил этиш; 2. Муҳокама натижалари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш; 3. Мазкур таклифларни ваколатли давлат органларига тақдим этиш.</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар</p>	<p>2021 йилдан бошлаб</p>	<p>Истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги, Марказий банк, Молия вазирлиги, Бизнес-омбудсман, Савдо sanoat палатаси</p>
<p>38.</p>	<p>Истеъмолчиларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш</p>	<p>1. Истеъмолчиларни ўз хуқуқларини билиши бўйича хабардорлигини ошириш ҳамда адолатсиз бизнес юритиш усулларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш; 2. Мазкур таклифларни нодавлат нотижорат ташкилотлар билан биргаликда кўриб чиқиш ҳамда унинг натижалари бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилаш.</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар</p>	<p>2021 йил июль ойидан бошлаб</p>	<p>Марказий банк, нодавлат нотижорат ташкилотлар</p>

V. Аҳоли ва тадбиркорларнинг молиявий саводхонлигини ошириш						
39.	Таълим таълим молиявий ошириш	муассасаларида олувчиларнинг саводхонлигини	1. “Молиявий саводхонлик асослари” ўқув қўлланмасини ишлаб чиқиш ва ноиқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртли ва ўрта махсус таълим муассасаларининг ўқув жараёнига махсус курсни киритиш; 2. Умумтаълим муассасалари учун молиявий саводхонлик фани бўйича дастур ва ўқув қўлланмасини ишлаб чиқиш бўйича республиканинг айрим шаҳарларида тажриба-синов лойиҳаларини амалга ошириш.	Ўқув қўлланмаси, ўқув дастури Ўқув қўлланмаси, ўқув дастури	2022 йил сентябрь	Марказий банк Олий таълим вазирлиги Халқ таълим вазирлиги Халқ таълим вазирлиги Молия вазирлиги (Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги) Банк-молия академияси, тижорат банклари, манфаатдор идоралар ва ташкилотлар
40.	Болалар молиявий ошириш	ва ёшларнинг саводхонлигини	1. Молиявий саводхонлик бўйича таълим кампаниялари, семинарлари ва тренингларини ташкил этиш; 2. “Бутунжаҳон пул ҳафталиги” ва “Бутунжаҳон пул ҳафталиги” каби халқаро таълим кампанияларида болалар ва ёшларнинг иштирок этишини рағбатлантириш; 3. Ўтказилаётган олимпиадалардаги синов саволларига молия ва банк ишига оид саволлар киритиш; 4. Болалар оромгоҳларида молиявий саводхонликни ошириш бўйича ўқув тадбирларини ташкил этиш.	Чора-тадбирлар комплекси	Доимий равишда	Марказий банк, Олий таълим вазирлиги Халқ таълим вазирлиги Молия вазирлиги (Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги) Банк-молия академияси, тижорат банклари, манфаатдор идоралар ва ташкилотлар
41.	18 ёшдан қатламининг саводхонлигини ошириш	катга аҳоли молиявий	1. Катта ёшдаги аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича таълим тадбирларини (тематик ярмаркалар ва халқаро таълим кампаниялари доирасида тадбирлар) ташкил этиш;	Чора-тадбирлар комплекси	мунтазам равишда	Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш вазирлиги, Фуқароларнинг ўзини ўзи

		<p>2. Блогер ва инфлюенсерлар (таъсир кўрсатувчилар)ни жалб қилган ҳолда кенг доирадаги шахслар учун клуб муҳокамаларини ўтказиш.</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар</p>		<p>бошқариш органлари, Ёшлар ишлари агентлиги, (волонтерлар), Марказий банк, Молия вазирлиги хузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги, Молия вазирлиги, тижораг банклари, манфаатдор вазирлик, идора ва ташилотлар</p>
42.	<p>Мигрантларнинг молиявий саводхонлигини ошириш</p>	<p>1. Мигрантлар ва уларнинг оилалари учун таълим дастурлари ва ахборот материаллари (хорижда молиявий хизматлардан фойдаланиш, чет эл молиявий ташилотлари билан ўзаро муносабатга киришиш масалалари, хавфсиз пул жўнатмалар, даромадни бошқариш)ни ишлаб чиқиш; 2. Чет элда ишлашни истаган шахслар учун ўқув марказлари томонидан мигрантларни тайёрлаш бўйича ўтказиладиган таълим дастурларини амалга ошириш; 3. Халқаро ташкилот ва хорижий банклар, шунингдек маҳаллий банклар ва молиявий хизматлар кўрсатувчи ташилотлар билан ҳамкорликда мигрантлар учун хорижий молиявий</p>	<p>Ўқув дастури, ахборот материаллари</p> <p>Чора-тадбирлар комплекси</p> <p>Чора-тадбирлар комплекси</p>	<p>2021 йилдан август ойидан бошлаб</p>	<p>Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ташқи меҳнат миграция масалалари агентлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Марказий банк, Молия вазирлиги хузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги, Молия вазирлиги,</p>

		хизматлардан фойдаланиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиш ва ташкил этиш.			Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Тижорат банклари Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби
43.	Тадбиркорларнинг молиявий саводхонлигини ошириш	<p>1. Тадбиркорлик субъектлари учун бизнесни ташкил этиш, рўйхатдан ўтказиш, ҳисобварақни бошқариш, бизнес-режа тузишга оид тематик тренингларни ўтказиш;</p> <p>2. Қимматли қоғозларга инвестиция киритиш, суғурта маҳсулотларидан фойдаланиш бўйича тадбиркорлик субъектлари учун тематик видео-лекцияларни ишлаб чиқиш;</p>	Амалий чора-тадбирлар	2021-2022 йиллар давомида	Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
		<p>3. Ёш тадбиркорлар учун малака ошириш ва тажриба алмашиш дастурларини ташкил этиш.</p>	Видео-лекциялар	мунтазам равишда	Молия вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги, тижорат банклари, манфаатдор вазирлик ва идоралар
44.	Аёлларнинг молиявий ва тадбиркорлик саводхонлигини ошириш	1. Аёллар учун журнал ва газеталарда оила бюджетини юритиш, молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқлари, банк ва молиявий хизматлардан	Чора-тадбирлар комплекси	2021-2023 йиллар давомида	Ёшлар ишлари агентлиги,
			Ахборот материаллари	2021 йилдан июль ойидан бошлаб	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Иқтисодий

	<p>фойдаланиш тўғрисида мақолалар жойлаштириш ҳамда тарқатма материаллар ишлаб чиқиш;</p> <p>2. Ўқув тадбирларини ўтказувчи шунингдек, молиявий хизматлар истеъмолчиларига молиявий маслаҳат ва кўрсатмаларни тақдим этувчи етакчи хотин-қизларни тренер ва консултантликка тайёрлаш;</p> <p>3. Аёлларни касб ва тадбиркорликка тайёрлашга йўналтирилган “Ишга марҳамат” мономарказида молиявий саводхонлик ўқув тренинглари ташкил этиш;</p> <p>4. Аёл тадбиркорлар учун янги бизнес бошлаш ва уни ривожлантириш бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириш юзасидан масъул вазирликлар билан биргаликда ўқув курслар ташкил этиш.</p> <p>5. Манфаатдор вазирлик ва идоралар, шу жумладан давлат ва нодавлат ташкилотларнинг етакчиларидан ташкил топган хотин-қизларнинг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича ишчи гуруҳини (taskforce committee) ташкил этиш.</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар</p> <p>Амалий чора-тадбирлар</p> <p>Амалий чора-тадбирлар</p> <p>Ишчи гуруҳ таркиби</p>	<p>тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Марказий банк</p> <p>Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби, “Ишга марҳамат” худудий мономарказлари</p> <p>Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби</p> <p>Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ишбилармон аёллар ассоциацияси, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
--	--	--	---

45.	Ахборот каналлари ва оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда молиявий саводхонликни ошириш.	<p>1. Марказий банкнинг молиявий саводхонлик бўйича ахборот-таълим веб-сайтини (Finlit.uz) мунтазам равишда такомиллаштириб бориш;</p> <p>2. Телерадио ва интернет ОАВ билан ҳамкорликда тегишли телекўрсатув дастурларига молиявий саводхонлик тематикасини интеграция қилиш ва ижтимоий видеороликларни яратиш;</p>	Амалий чора-тадбирлар	доимий равишда	<p>Марказий банк, Молия вазирлиги, Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги</p> <p>Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, МТРК, Марказий банк, Молия вазирлиги, Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги, Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги</p>
46.	Рақамли молиявий саводхонликни ошириш	<p>3. “Олтин қалам” миллий танловига “Оммавий ахборот воситаларида молиявий саводхонлик” номинациясини киритиш.</p> <p>1. Рақамли технологиялар ва хизматлардан хавфсиз ва самарали фойдаланиш бўйича онлайн материалларни ишлаб чиқиш ва уларни Finlit.uz веб-сайтида жойлаштириш;</p> <p>2. Турли ёш гуруҳлари учун таълим ва кўнгилочар форматда молиявий</p>	Ахборот материаллари	доимий равишда	<p>Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси</p> <p>Марказий банк, Ахборот технологиялари ва коммуникация-ларини ривожлантириш вазирлиги</p>

	саводхонликка оид дастурий маҳсулотлар (онлайн ўйинлар, мобил иловалар ва ҳоказо) ишлаб чиқиш.				
47.	Ўқувчиларни таълим ютуқларини баҳолаш халқаро дастури (PISA)нинг тажрибасидан фойдаланган ҳолда ёшларнинг молиявий саводхонлигини баҳолаш	1. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти экспертлари билан PISA дастурининг навбатдаги 2025 йилдаги тадқиқотида Ўзбекистоннинг иштирок этиши, шунингдек, унда 15 ёшли ўқувчиларнинг молиявий саводхонлигини баҳолаш масаласини киритиш бўйича музокаралар олиб бориш. 2. Музокаралар натижасида Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти ўртасида шартнома имзолаш. 3. PISAnинг навбатдаги тадқиқотида, молиявий саводхонлик йўналишини ўз ичига олган ҳолда иштирок этиш бўйича молиявий тўловларни амалга ошириш.	Ёзма ахборотнома	2022 йил июнь	Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Халқ таълим вазирлиги, Марказий банк
			Шартнома	2022 йил декабрь	Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси
			Тўлов	2022 йилдан босқичма-босқич	Марказий банк
VI. Миллий стратегия ижросини мониторинг қилиш ва баҳолаш					
48.	Аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини баҳолаш ва мониторинг қилиш тизимини жорий қилиш	Халқаро молия институтларининг техник кўмагида аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини баҳолаш методологиясини ишлаб чиқиш ва аҳоли ўртасида сўровлар ўтказиш	Методология ишлаб чиқиш, тадқиқотлар олиб бориш	2021-2022 йиллар	Марказий банк, Статистика қўмитаси
49.	Миллий стратегия ижросини мониторинг қилиш ва баҳолаш соҳасида хорижий давлатлар Марказий банклари билан тажриба алмашишни йўлга қўйиш	Молиявий оммабоплик альянсининг техник кўмаги остида Альянсга аъзо давлатлар билан Миллий стратегия ижросини мониторинг қилиш ва баҳолаш юзасидан тажриба алмашиш	Тажриба алмашиш таширфлари	2021-2023 йиллар давомида	Марказий банк

50.	<p>Молиявий оммабопликка оид маълумотлар инфратузилмасини шакллантириш</p>	<p>1. Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда аҳоли ўртасида молиявий хизматлар оммабоплигини ўрганиш мақсадида сўровлар ўтказишни йўлга қўйиш;</p> <p>2. Марказий банкнинг Кредит ахбороти давлат реестрида кредит олган юридик шахслар тўғрисидаги маълумотларни йирик ва кичик бизнес кесимида шакллантириш имкониятини яратиш;</p> <p>3. Марказий банкда тижорат банкларининг мижозлари бўлган жисмоний шахсларнинг марказлашган маълумотлар базасини яратиш орқали улар тўғрисидаги маълумотларни ёши ва жинси бўйича шакллантиришни йўлга қўйиш;</p> <p>4. Молиявий хизматлар оммабоплиги индикаторларини эълон қилиб бориш.</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар</p> <p>Амалий чора-тадбирлар</p> <p>Амалий чора-тадбирлар</p>	<p>Доимий</p> <p>2021 йил ноябрь</p> <p>2021 йил июль</p>	<p>Марказий банк, Давлат статистика қўмитаси</p>
51.	<p>Марказий банкнинг Ягона маълумотлар омборини (Data Warehouse) яратиш ва бизнес таҳлил тизимини жорий қилиш</p>	<p>1. Халқаро тажрибани ўрганиш ва таҳлил қилиш;</p> <p>2. Ахборот тизимини ишлаб чиқарувчи етакчи компаниялар билан музокаралар ўтказиш ва уларнинг тижорат таклифларини олиш;</p> <p>3. Ахборот тизимини амалиётга жорий этиш.</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар</p> <p>Чора-тадбирлар мажмуаси</p>	<p>Даврий равишда</p> <p>2022 йил декабрь</p>	<p>Марказий банк</p>

**Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича
 МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАР**

№	Кўрсаткичлар номланиши	Ўлчов бирлиги	Жорий ҳолат	2023 йилга мақсад
1.	Энг камида битта банк ҳисобварағига эга бўлган катта ёшли аҳолининг жами катта ёшли аҳоли таркибидаги улуши*	фоиз	36	50
2.	Энг камида битта банк хизматлари кўрсатиш нуқтасига эга катта ёшли аҳолиси 5 минг кишидан ортиқ бўлган маъмурий ҳудудий birlikлар улуши	фоиз	57,7	70
3.	Нақд пулсиз кўринишда амалга оширилган G2P (аҳолига иш ҳақи, нафақа, стипендия ва уларга тенглаштирилган бошқа тўловлар) тўловларнинг улуши	фоиз	73	90
4.	Онлайн банк хизматларидан фойдаланувчилар сони (юридик ва жисмоний шахслар)	млн. нафар	14,6	16
5.	Банкоматлар сони	минг дона	6,55	9,0
6.	Инфокиосклар сони	минг дона	5,25	7,0
7.	POS-терминаллар сони	минг дона	438,4	580,0
8.	Муомаладаги фаол банк карталари сони	млн. дона	25,8	30,0
9.	Замонавий контактсиз QR-код орқали тўловларни қабул қилувчи тадбиркорлик субъектлари сони	минг нафар	60,2	100,0
10.	Электрон ҳамёнлар сони	млн. дона	1,5	3,0

№	Кўрсаткичлар номланиши	Ўлчов бирлиги	Жорий ҳолат	2023 йилга мақсад
11.	Электрон пуллар орқали амалга оширилган транзакциялар суммаси	млрд. сўм	22,3	100,0
12.	Е-КУС орқали очилган банк ҳисобварақлари сони	млн. дона	0	1,0
13.	Банк карталари орқали амалга оширилган транзакциялар сони	млн. дона	632	1 000
14.	Банк карталари орқали амалга оширилган транзакциялар суммаси	трл. сўм	134,37	225,0
15.	Кичик тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитларнинг жами ажратилган кредитлардаги улуши	фоиз	38	45
16.	Банқдан кредит олган ёки кредит линиясига эга бўлган кичик бизнес субъектлари улуши	фоиз	22	25
17.	Банқдан кредит олган ёки кредит линиясига эга бўлган катта ёшли аҳоли сони	млн. нафар	2,9	3,5
18.	Банқдан кредит олган ёки кредит линиясига эга бўлган катта ёшли аҳоли улуши	фоиз	13,2	15
19.	“Асосий фактлар варағи” мавжуд молиявий хизматлар сони	дона	0	4
20.	Марказий банк томонидан ҳар йили истеъмолчи ҳуқуқларига оид амалга ошириладиган тематик тадқиқотлар сони	дона	1	4
21.	Марказий банк сайтида (www.finlit.uz) таққослаш имконияти яратилган банк хизматлари сони	дона	0	10
22.	Минимал молиявий билимга эга бўлган катта ёшли аҳолининг жами катта ёшли аҳоли таркибидаги улуши*	фоиз	23	30
23.	Марказий банкнинг аҳоли ва тадбиркорлар учун мўлжалланган ахборот-таълим веб-сайти www.finlit.uz га ташриф буюрувчилар сони	минг дона	1,0	5,0

№	Кўрсаткичлар номланиши	Ўлчов бирлиги	Жорий ҳолат	2023 йилга мақсад
24.	Халқаро таълим тадбирлари орқали қамраб олинган таълим муассалари сони	дона	253	400
25.	Халқаро таълим тадбирлари доирасида қамраб олинган аҳоли сони	минг нафар	20,0	40,0
26.	ОАВ билан ҳамкорликда амалга оширилган лойиҳалар сони	дона	3	8

**Ушбу индикаторлар сўров ўтказиш орқали аниқланади*